Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 63 (6. 852) 1989 йил 16 март, пайшанба Баҳоси 4 тийин.

**Кеча Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми ўз ишини бошлади.**

**Пленум қатнашчилари КПССдан СССР халқ депутатларини яширин овоз бериш йўли билан сайладилар.**

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кун тартибидаги иккинчи масала—«КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида» доклад қилди.**

**Пленум бугун ўз ишини давом эттирмоқда.**

# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 15 март куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми ўз ишини бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида.

2. Партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида.

Пленумда КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар ҳозир бўлдилар.

КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг раиси В. А. Коптюг биринчи масала юзасидан ахборот берди. Бу ахборот матбуотда эълон қилинмоқда.

Сўнгра овоз беришга киришилди, унда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, шунингдек, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ҳамда Министрлар Советларининг Раислари, министрлар, КПССнинг марказий органлари составига кирмаган, аммо сайлаб қўйиладиган бошқа партия органларининг аъзолари бўлган ҳарбий округларнинг қўмондонлари қатнашдилар.

Яширин овоз бериш натижасида номзодларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари этиб сайландилар.

Пленум КПССдан СССР халқ депутатларига наказлар тўғрисида қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисидаги масала юзасидан доклад қилди. Ушбу масалани муҳокама қилишда қатнашиш учун Пленумга қишлоқ райкомлари секретарларидан, колхоз раисларидан, совхоз директорларидан, ижарачилар, олимлардан ҳамда агросаноат комплексининг бошқа ходимларидан бир группаси таклиф этилган.

Пленум қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС XXVII съезди билан XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларидан келиб чиқиб тайёрлаган партия аграр сиёсати масалаларига доир ҳужжатларнинг лойиҳалари билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилди.

16 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.

# КПССнинг ҲОЗИРГИ ШАРОИТДАГИ АГРАР СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

## КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1989 йил 15 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган доклади

Ўртоқлар!

Жамиятимизда Марказий Комитетнинг ушбу Пленумига катта умид боғламоқдалар. Пленум шундай аграр сиёсатни ишлаб чиқиши ва халққа тавсия этиши лозимки, бу сиёсатнинг амалга оширилиши деҳқонларнинг ерга хўжайинлигини тиклай оладиган, озиқ-овқат муаммосини пухта ҳал қиладиган бўлиши керак. Бу ишда энди сусткашликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Масаланинг шу тарзда қўйилишини мамлакатда юз берган реал вазият, қайта қуришнинг умумий вазифалари тақозо этмоқда.

Бизга қишлоқни ривожлантиришдаги туб ўзгаришларни — сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ўзгаришларни, жамиятимиз ҳаёти фаолиятининг энг асосий соҳаларидан бирида тўпланиб қолган муаммоларни энг қисқа муддатда ҳал қилишни таъминлайдиган, шу тариқа қишлоқ меҳнатчиларининг ташаббуслари учун кенг уфқ очиб берадиган аграр сиёсат керак.

## I.

Биз аграр сиёсат тўғрисида гапирганимизда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ва қишлоқнинг ўзидаги муносабатларни шакллантириш ва тартибга солиш ғоялари, мақсадлари, воситалари ва усулларини, энг муҳими эса — озиқ-овқат масаласини биринчи навбатда ҳал қилишни кўзда тутамиз.

Аграр ўзгартишларни ҳозир амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотдан ажратиб бўлмайди, инсоннинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, унинг меҳнат ва социал активлигини рўёбга чиқариш бу ислоҳотнинг марказида турибди. Жамиятимиз турмушини революцион тарзда янгиламай, демократиялаштирмай, хўжалик юритишнинг янги идеологиясини вужудга келтирмай туриб, экономикамизнинг юқори самарали аграр секторини яратиб бўлмайди. Худди шу каби қишлоқдаги туб ўзгаришлар мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг мажбурий шартидир.

Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги аграр сиёсат — қандайдир ўзига хос тор доирадаги, маҳкамачилик тармоқ доирасидаги бир нарса эмас. Йўқ, ҳозир аграр сиёсат бутун сиёсий йўлимизнинг етакчи йўналиши, революцион қайта қуришнинг таркибий қисмидир.

Пировард натижада замонавий аграр сиёсатни ишлаб чиқишни умуман социализм тўғрисидаги ва унинг социал-иқтисодий истиқболлари тўғрисидаги янги тасаввурларни шакллантиришдан ажратиб бўлмайди.

Маълумки, Пленумга тайёргарлик анча олдин бошланган эди. Аграр муаммолар партияда, илмий доираларда, мутахассислар орасида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда. Айтиш мумкинки, ўртоқлар, бу ҳаётий масалаларни бутун мамлакат муҳокама қилмоқда.

Сиёсий бюро биз учун жуда зарур бўлган ана шу мунозарани фақат диққат билан кузатиб турмади, уни ҳар томонлама рағбатлантирди, биз ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб муаммоларнинг моҳиятига мумкин қадар чуқурроқ кириб бориш учун бу масалага ижодий, амалий ёндашув муҳитини вужудга келтиришга ҳаракат қилди. Хилма-хил мулоҳазаларни, таклифларни, нуқтаи назарларни — баъзан эса бир-бирига мутлақо зид бўлган нуқтаи назарларни ўз ичига олган жуда катта ҳажмдаги материал таҳлил қилинди.

Ушбу Пленумдаги доклад ва қўлингиздаги тегишли ҳужжатларнинг лойиҳалари умумпартия, умумхалқ муҳокамасининг якунидир, дейиш тўғри бўлур эди, деб ўйлайман.

Марказий Комитетнинг ушбу Пленумида биз жамиятнинг тобора ошиб бораётган эҳтиёжларига мос келадиган, узоқ муддатга мўлжалланган ва илмий жиҳатдан асосланган аграр сиёсатни ишлаб чиқиш учун назарий, сиёсий ва амалий масалалар чуқур, омилкорлик билан кўриб чиқилишига умид қилмоқдамиз.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегатлари мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи тўғрисида нақадар ташвишланиб гапирганликлари ҳаммамизнинг эсимизда. Ўшанда биз бу муаммони жамиятимиз турмушининг энг нозик нуқтаси, деб атаган эдик. Яқинда бўлиб ўтган партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида ҳам бу хусусда катта ташвиш билдирилди. Ҳозир сайлов кампанияси чоғида меҳнаткашлар бу масалаларни ўртага ўткир қилиб қўймоқдалар.

Воқелигимиз шундайки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бизга етишмаяпти. Давлат чет эллардан дон, гўшт, мева, сабзавот, қанд, ўсимлик ёғи ва бошқа баъзи маҳсулотларни кўплаб харид қилишга мажбур бўлмоқда.

Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам, далаларнинг унумдорлиги жиҳатидан ҳам, чорва маҳсулдорлиги жиҳатидан ҳам, озиқ-овқат маҳсулотлари хилма-хиллиги ва сифати жиҳатидан ҳам биз ҳамон ривожланган катта ва кичик мамлакатлардан орқада қолмоқдамиз. Бу тафовут қисқармаяпти, балки ортиб бормоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги социал кескинликни вужудга келтирмоқда, шунчаки гап-сўз эмас, балки одамларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги бундай аҳвол кўп йиллардан буён давом этмоқда.

Бу масалаларни биз олдин кўрмаганмиз ва шуғулланмаганмиз, деб ўйламанг. Мен ҳатто бундай деган бўлур эдим: Марказий Комитет ва ҳукумат халқ хўжалигида аграр соҳага нисбатан кўпроқ шуғулланган бирорта ҳам бошқа муаммо йўқ.

Сўнгги 20 йил ичида аграр сектор жуда кўп ресурсларни — капитал маблағни ҳам, техникани ҳам, минерал ўғитларни ҳам олди. Ерларни мелиорациялашнинг катта программаси амалга оширилди. Лекин кўрилган бу чоралар назарда тутилган самарадорликка, кутилган ўсишга олиб келмади.

Шу вақтга қадар биз озиқ-овқат масаласини тубдан ҳал қила олмадик. Жуда катта имкониятларга эга бўлган мамлакатимизда аҳвол ана шундай!

Бизда энг асосий миллий бойлигимиз — ер фондини асраш ва ундан оқилона фойдаланиш иши жуда қониқарсиз аҳволда. Сўнгги 25 йил ичида ўзлаштирилган экинзорларнинг 22 миллион гектари ишдан чиқди, шундан салкам 12 миллион гектари саноат қурилиши ва йўлларга ажратилди, 6 миллион гектардан кўпроқ ерлар эса ташландиқ бўлиб қолди ва у ерларда буталар ўсиб ётибди. Айни бир вақтда миллионлаб гектар янги ерларни ўзлаштиришга жуда катта маблағ сарфланди.

Кўп регионларда далалар унумдорлиги пасайиб кетмоқда. Уч миллион гектардан кўпроқ суғориладиган экинзор — ҳар бир давлатнинг «олтин фонди» — хўжасизлик оқибатида амалда оборотдан тушиб қолди. Бунга сўнгги йигирма йил ичида гидростанциялар қурилишининг ўйланмай тузилган лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакат 10 миллион гектардан кўпроқ пичанзор ва яйловлардан маҳрум бўлганлигини илова қилиш керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб нобуд бўлаётганлиги ташвиш уйғотмоқда. Қишлоқда етиштирилаётган маҳсулотларнинг 20 процентгача бўлган қисми, баъзи маҳсулотларнинг эса 30—40 процентгачаси хўжасизлик оқибатида нобуд бўлмоқда.

Қишлоқ социал ва маданий ривожланиш жиҳатидан шаҳардан жуда орқада қолиб кетди. Яхши йўлларнинг йўқлиги ҳамма регионлар учун муаммодир, Ноқоратупроқ зона учун эса бу — кулфатнинг ўзидир. Қишлоқнинг замонавий қулай уй-жойлар, коммунал хизмат, мактаблар, медицина, маданият муассасалари билан таъминланиши жуда ёмон. Одамлар энг зарур масалаларни ҳал қилиш — тиббий ёрдам олиш, энг оддий маиший хизматдан фойдаланиш, оддий буюмларни харид қилиш учун кўпинча ўнлаб ва ҳатто юзлаб километр йўл босишга мажбур бўлмоқдалар.

Эҳтиросларни авж олдирмай айтишим мумкинки, кўпгина регионларда аҳвол шу даражага бориб етдики, одамлар ерни, қишлоқларни ташлаб чиқиб кетмоқдалар. Мамлакатнинг бир қанча областларида қишлоқ аҳолисининг кўчиши жуда нозик нуқтага етиб қолди.

Хўш, гап нимада? Нима учун биз кўрган чора-тадбирлар (уларнинг орасида жуда жиддий тадбирлар ҳам бор) кутилган натижаларни бермади, қишлоқда зарур ўзгартишларни таъминламади? Ана шу асосий саволга жавоб топиш керак. Биз масаланинг моҳиятига етиб боришимиз, қишлоқларимиздаги, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ҳозирги ўткир вазиятнинг илдизларини аниқлашимиз ва уни ҳал этиш йўлларини топишимиз керак.

Бунинг учун тарихга мурожаат қилиш, жамиятимиз тараққиётининг турли босқичларида аграр сиёсатга қандай ёндашилганлигини кўриб чиқиш, ундан ишимиз учун сабоқ чиқариб олиш фойдалидир.

## II.

Деҳқонлар масаласи — революция назарияси нуқтаи назаридан ҳам, янги жамият қуриш вазифалари нуқтаи назаридан ҳам партиямиз сиёсатида ҳамиша марказий ўрин тутиб келган.

Партия ишлаб чиққан аграр сиёсат, большевикларнинг қишлоқда олиб борган жуда катта амалий фаолияти 1917 йил октябрида деҳқонлар оммасининг революция томонида, ишчилар синфи томонида бўлишини таъминлади. Совет ҳокимиятининг дастлабки декретларидан бири — Ер тўғрисида декрет ана шу сиёсатнинг ифодаси эди, у ер масаласини меҳнаткаш деҳқонларнинг кенг позициясидан туриб ҳал қилиб берди.

Партия ҳатто гражданлар урушининг оғир йилларида ҳам, бу урушнинг энг хатарли дақиқаларида ҳам қишлоқдаги ишларнинг аҳволини, ишчилар синфининг

(Давоми 2-, 3-, 4-бетларда).

# ПАРТИЯНИНГ ДЕПУТАТЛИК МАНДАТЛАРИ

## КПССдан СССР халқ депутатлари сайлови

15 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайлови бўлди.

Сайлов бошланиши олдидан КПССдан сайлов комиссиясининг раиси **В. А. Коптюг** ахборот берди.

СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга ва КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январдаги Пленумида қабул қилинган қарорларга мувофиқ, деди у, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш лозим. КПССдан халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилиб, улар рўйхатга олингандан кейин орадан икки ой вақт ўтди. Бутун сайловолди кампанияси КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига сайловолди Мурожаатномасида баён этилган аниқ-равшан, реалистик сиёсий платформага асосланди. Бу ҳужжат партия амалда жамиятнинг авангарди, раҳбар кучи сифатида иш кўраётганлигини яна бир бор намойиш этди. Партия қайта қуриш йўлидан қатъий боравериш, социалистик жамиятимизни ҳар томонлама демократиялаш, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, Советлар ҳокимиятини тиклаш, ҳуқуқий давлатни қарор топтириш орқали уни янгилашга эриша бориш ниятидадир.

Мурожаатномада баён этилган ҳаракат программаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан халқ депутатлигига ҳар бир номзоднинг программасига асос қилиб олинди. Айни вақтда муштарак программамизнинг кўпгина жиҳатлари номзодларнинг ўз ишлари тажрибаси ҳамда уларнинг коммунистлар ва жамоатчилик билан учрашувлари вақтида бўлиб ўтган муҳокамалар асосида ана шу жиҳатларни рўёбга чиқариш йўллари нуқтаи назаридан янада ривожлантирилди.

Шуни қайд этиш кераккки, деб таъкидлади нотиқ, ниҳоясига етган сайловолди кампанияси уни ўтказиш барча босқичларида янгича ёндашувлар билан фарқ қилди. Номзодлар кўрсатилишдан олдинги босқичда улар тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишда 105 мингдан кўпроқ партия ташкилоти қатнашди. Улар юқори партия комитетларининг кўриб чиқиши учун 31,5 минг номзодни таклиф этдилар. Бевосита КПСС Марказий Комитетига 12 мингтадан зиёд телеграмма, хат, йиғилишларнинг қарорларидан кўчирмалар келди. Маълумки, Марказий Комитетнинг январь Пленуми муҳокама қилиш учун таклиф этилган 312 номзоддан 100 нафар номзодни кўрсатган эди. Бу қарор бир овоздан қабул қилинганди.

Ҳар бир номзод Пленумда алоҳида-алоҳида овозга қўйилганини биласизлар. Ўртоқ Лигачев номзоди хусусидагина бир киши бетараф қолди. Қолган ҳамма бир овоздан номзод қилиб кўрсатилди.

Сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январдаги Пленумининг СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги протоколини, шунингдек Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан овозга қўйилишга розилик тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб, СССР халқ депутатлигига номзодларнинг ҳаммаси СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ кўрсатилганлигини аниқлади.

Комиссия Пленум СССР халқ депутатлигига кўрсатган барча номзодларни рўйхатга олди ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунда белгилаган муддатларда номзодларнинг рўйхатини марказий ва маҳаллий партия матбуотида эълон қилди.

Умуман номзодларнинг составига партия составининг умумхалқ характерини, у жамият барча қатламларининг ва биринчи навбатда ишчилар синфининг манфаатларини ифода этишини кўрсатади. Социал жиҳатдан айни ишчилар КПССдан номзодларнинг энг кўп қисмини ташкил этади. Улар 26 кишидан иборат. Номзодлар орасида 7 нафар колхозчи бор, умуман эса саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, яъни моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ходимлари барча номзодларнинг қарийб ярмини — 47 кишини ташкил этади. Номзодлар орасида маданият, илм-фан, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларидан 22 киши бор.

Навбатдаги катта группани партия ходимлари ташкил этади — улар 21 киши. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан, Марказий Комитет секретарларидан 12 киши СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Корхоналар, колхозлар ва районлар партия комитетларининг бир қанча секретарлари ҳам жойларда ва Марказий Комитет Пленумида коммунистлар томонидан қўллаб-қувватландилар.

Номзодларнинг состави, деб таъкидлади нотиқ, партиямизнинг кўпмиллатли хусусиятини етарли даражада тўлиқ акс эттиради. Рўйхатга олинганлар орасида барча иттифоқдош республикаларнинг вакиллари, 23 миллат намояндалари бор. 71 номзод олий маълумотга, 24 номзод эса илмий даражага эга. Уларнинг деярли ҳаммаси партия, совет ишида ҳамда бошқа жамоат ишларида катта тажриба орттиришган. 100 номзоднинг 39 нафари КПСС Марказий Комитетининг Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, 31 киши иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область партия комитетларининг аъзоси, 19 киши — шаҳар, район партия комитетларининг, тегишли ревизия комиссияларининг аъзоси, 8 киши — бошланғич ва цех партия ташкилотларининг секретарларидир. Ҳозирги пайтда номзодларнинг учдан бир қисми СССР Олий Советининг депутатларидир.

Шу йилнинг январь — март ойларида сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодларнинг коммунистлар, меҳнаткашлар билан, партия ва пропаганда активлари, жамоатчилик билан учрашувлари бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси шу кампаниянинг муҳимлигини эътиборга олиб, махсус қарор қабул қилди, бу қарорда иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига ана шу учрашувларни ташкил этиш ҳамда партия ташкилотларига тегишли ёрдам беришни топширди. Бунда шунга эътибор берилдики, учрашувлар норасмий тусда бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатномаси асосида партия сиёсатини амалга оширишнинг муҳим масалалари кенг кўламда муҳокама этилишини таъминлаши лозим эди.

Буларнинг ҳаммаси депутатликка номзодларнинг коммунистлар ҳамда меҳнаткашлар билан учрашувлари фаол ва кенг тус олишига кўмаклашди. Депутатликка номзодлардан Уфа шаҳридаги қурилиш ташкилотининг бригадири З. С. Валеева, В. И. Ленин номидаги Верхняя Салда металлургия ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. И. Громов, Каунас мўйна ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Ю. Левицкас, Олтой ўлкасидаги «Алей» колхози правлениеси раисининг ўринбосари В. Г. Филиппова ва бошқа кўпгина номзодлар партия коллективларида 10—15 тадан учрашув ўтказдилар.

М. С. Горбачев, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, А. Н. Яковлев, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, О. Д. Бакланов ўртоқлар мамлакатнинг турли регионларида меҳнат коллективлари, республика, ўлка ва область партия ташкилотларининг активлари билан учрашдилар. Учрашувлар матбуотда кенг ёритилди.

Партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида депутатликка номзодлар билан жами 845 учрашув бўлиб ўтди. Учрашувларда 155 минг киши қатнашди, тўрт ярим мингдан зиёд киши сўзга чиқди.

(Давоми 5-бетда).

# М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Социалистик мулк муносабатларини қайта қуришнинг энг муҳим йўлларидан бири, эҳтимолки, ҳозирги босқичда ҳал этувчи йўлларидан бири — қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантиришдир. Худди ана шу ижара орқали шахсий манфаатдорликни фаоллик билан сафарбар этиб, инсонга хўжайинлик туйғусини қайтариб бериб, унинг ижодий имкониятларини рағбатлантириб, ленинча ғояни ниҳоятда тўла рўёбга чиқариш мумкин.

Ижара хусусида жамиятда мунозаралар бўлмоқда. Турли фикр-мулоҳазалар айтилмоқда. Илғор колхоз ва совхозларнинг кўпчилик раҳбарлари ижарага принцип эътибори билан ижобий баҳо бериб, айни вақтда ўз хўжаликларида ижарасиз ишласа ҳам бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

Маълумки, бу хўжаликларда ер ва фондларнинг юксак самарадорлигига эришилган, хўжалик ҳисобининг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Дарҳақиқат, ана шундай. Аммо, айни вақтда истиқболни ҳам назарда тутиш керак. Барча коллективлар, жумладан энг яхши коллективлар ҳам ишлаб чиқаришни жадаллаштириб бориш ва унинг самарадорлигини ошириш йўлларини қидиришлари лозим. Рўй-рост айтадиган бўлсак, янги марралар сари ҳаракат тобора мураккаб бўлиб бораверади ва бу ўринда анъанавий ёндашувлар кифоя қилмайди, чоғи.

Мен бу ўринда ҳам ижарани рад этмаган бўлур эдим. Аммо, майли, ҳаётнинг ўзи ҳал қилувчи сўзни айта қолсин. Илғор колхоз ва совхозларимизнинг меҳнат коллективлари бу масалани ўзлари ҳал этишлари керак, деб ўйлайман.

Ижара муносабатларига бошқача, айтишим мумкинки, батамом зид қараш, демакки, колхозлар ва совхозлар тақдирига бошқача қараш ҳам бор. Бу қараш тарафдорларининг фикрича, колхоз ва совхозларни тарқатиб юбориш, уларнинг ери, ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларини ижарачиларга бериш лозим. Бундай фикр юритиш илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам асосланмаган, деб ўйлайман. Айрим ҳолларда ана шундай қарорлар ҳам қабул қилиниши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди. Аммо, ҳар қалай, асосий йўл колхозларнинг ҳам, совхозларнинг ҳам ички хўжалик ижарасига ўтишида, ижарачиларнинг кооперативларини тузиш негизида колхоз ва совхозларни ўзгартиришдадир.

Ҳозир колхоз ва совхозлар ихтиёрида, гарчи етарли бўлмаса ҳам, аммо ижарачиларнинг кўпгина эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган ривожланган инфраструктура бор, биз ана шу реал фактга етарлича баҳо беришимиз лозим. Бу ишлаб чиқариш воситалари таъминотига ҳам, етиштирилган маҳсулотни сотишга ҳам, кўпдан-кўп хизмат турларидан баҳраманд бўлишга ҳам ва ҳатто территорияларни социал ривожлантириш ишида куч-ғайратларни бирлаштиришга ҳам тааллуқлидир. Фақат социалистик мамлакатлар эмас, шу билан бирга капиталистик мамлакатлар кооперативлари тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳамма ерда кооперативлар ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва социал эҳтиёжларни қондириш учун куч-ғайратларини бирлаштиришга у ёки бу даражада муҳтож эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Эҳтимол, колхоз ва совхозларни тарқатиб юбориш тўғрисидаги таклиф кўп жиҳатдан ижара муносабатлари тақдири учун хавотир олинаётганлиги, мазкур муносабатларнинг равнақига муайян кучларнинг енгиб ўтиш осон бўлмайдиган қаршилиги сабабли путур етиши мумкин, деб чўчиш боисидан пайдо бўлгандир.

Хўш, нима десак экан? Янгиликка қаршилик бор ва у дарҳол йўқолмайди. Сўнгги икки-уч йил ичида орттирилган тажриба шундан далолат бериб турибдики, колхозлар, совхозлар, бошқа корхоналарнинг ижара муносабатларига ўтиши йўлидаги реал тўсиқлар икки нарсадан иборат.

Бир томондан, одамлар сиёсатимизнинг жиддийлиги ва узоқ муддатга мўлжалланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий гарантияларга эга бўлишни истайдилар. Биз СССР Олий Совети Президиумининг СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги Фармонини тақдим этиб, ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу хавотирликни йўқота оламиз ва шундай қилишимиз лозим. Шу Фармоннинг лойиҳаси сизларда бор. Фикримизча, ана шу Фармон ижарачилар ва ижарага берувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилган бўлур эди. Йил охиригача эса ижара ҳақидаги Қонунни ишлаб чиқиш ҳам мумкин бўлур эди.

Иккинчи томондан эса, ҳаёт кўрсатиб турганидек, ижара қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мутахассислар мавқеини тубдан ўзгартиради. Шу муносабат билан ана шу мутахассисларнинг бир қисми хўжалик юритишнинг ушбу формаси ҳақида танқидий фикр-мулоҳазалар айтишмоқда. Айни вақтда шунга ишончим комилки, кўпчилик мутахассислар қишлоқдаги янги муносабатларда ўз ўринларини топадилар, чунки бу муносабатлар ана шу мутахассисларга ўз қобилиятларини тўлароқ намоён этиш ва моддий рағбатлантиришдангина эмас, балки касби-коридан ҳам мамнун бўлиш учун имкон беради.

Кўп йиллардан буён виждонан ишламай қўйган, меҳнатнинг пировард натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда барқарор даромад олишга мослашган колхозчилар ва ишчиларнинг бир қисми ҳам ижарани хушламай турибди. Биз бунга барҳам беришимиз керак, акс ҳолда олға қараб бора олмаймиз. Бу ўринда реал йўл — пировард натижага қараб ҳақ тўлашга ўтишдир. Шунда кўп нарсалар ўз жойини топади.

Биз ижарага ўтиш билан боғлиқ барча масалаларни ўтмишдаги тажрибани ёдда тутиб, ленинча принципларга, аввало ихтиёрийлик принципига қатъий амал қилиб ҳал этишимиз керак. Топшириқларни белгиламаймиз, муддатларни тайинламаймиз.

Агар Пленум Сиёсий бюро, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматнинг бу борадаги таклифларини қўллаб-қувватласа ва биз тегишли ҳужжатларни қабул қилсак, ижарага кенг кўламда ўтиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий негизлар пайдо бўлади. Ўшанда бу жараён ўз йўриғи билан, рисоладагидек бораверади, ҳозиргига нисбатан жадалроқ одимлашига ишончим комил.

Шу муносабат билан ижаранинг хилма-хил формаларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Колхозлар ва совхозлар, агрофирмалар ва агрокомбинатлар ҳамда уларнинг бўлинмалари билан бир қаторда айрим деҳқон оилалари ҳам ижара шартлари асосида ишлаши мумкин. Улар ташландиқ ерларни, хуторларни, айниқса Россиянинг Ноқоратупроқ районларида, Белоруссия ва Болтиқ бўйида ана шундай ерлар ва хуторларни ўзлаштиришга қодирдирлар.

Хўжалик практикасидан улуш қўшишни, акционерлик усулларини ҳам қўллашни истисно этмаслик керак. Хуллас, бу ўринда ташаббус учун жуда кенг майдон очилмоқда.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, ижарага берувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, уларнинг иш принципларини, коллектив мулк ва шахсий мулк доирасида ижара ва акционерлик муносабатларини қарор топтиришни, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари умумий системасида мулкнинг ана шу формалари ўрни ва ролини аниқ-равшан белгилаб қўйиш керак.

Бу ўринда гап ижарачилар қўлига ерни ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларини бериб қўйиш, ана шу воситаларни, жумладан ишлаб чиқариш структурасини мустақил вужудга келтириш ҳамда шартнома билан мустаҳкамланган ижара даромадларини ижарачининг ўзи тасарруф этиши ҳуқуқини ҳам қўшиб, реал эгалик қилиш ҳақида бормоқда ва ҳоказо. Ижарачи ердан фойдаланганлик учун давлатга тегишли солиқ тўлайди, ижарага олинган участкани асраш ва унинг сифати учун қатъий жавобгар бўлади, шартномадаги мажбуриятларини аниқ-пухта бажаради.

Ҳозирги вақтда ижара асосида ишловчи айрим коллективларни тузишдан хўжалик барча бўлинмаларининг ижара асосида ишлашига янгичасига қатъий ўтиш, хўжалик ичидаги барча бир-бири билан боғлиқ циклларни ижара билан қамраб олиш муҳим, демоқчиман.

Айни вақтда ғоянинг бузилишига, ижара негизлари бузиб юборилган ёки бундай негизлар умуман бўлмаган хўжалик юритиш формаларини ижара муносабатлари, деб кўрсатишга уринишларга сира йўл қўйиб бўлмайди. Кооперацияни давлатники қилиб қўйишнинг ва ишлаб чиқариш коллективларининг ишига маъмурий аралашувнинг ҳар қандай формаларини қатъиян истисно этиш керак.

Мулк формаларини қайта қуриш туфайли товар-пул муносабатларини янада кенгайтириш негизида шаҳар билан қишлоқ, халқ хўжалигининг турли соҳалари ўртасида иқтисодий алоқалар ўзгаради.

Умуман, ўртоқлар, биз ижарачилар билан хўжалик ҳисобидаги муносабатлар маҳсулотни сотиш усуллари батамом эркин танлаб олинишига асосланиши тарафдоримиз. Биз эртами-кечми, албатта, шундай қиламиз.

Шу нарса батамом равшанки, агар колхоз ва совхозлар, ижара коллективлари ишлаб топган пул эвазига яшай бошласалар, у ҳолда бу уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпроқ, яхшироқ сифатда ва кам харажат билан етиштиришга мажбур этади.

Ўшанда биз давлат озиқ-овқат фондини бунёд этиш учун маҳсулот турлари ва миқдорини танлаб сотиб олиш имконига эга бўламиз.

Аммо бу келажакда қилинадиган ишдир. Биз эндигина ҳаракат бошлаётган ҳозирги аҳвол билан янги иқтисодий механизм тўла куч билан ишлайдиган вақт келгунча ўтиш даври муқаррар бўлади, албатта, шу давр мобайнида турли формалардан, жумладан давлат буюртмасидан фойдаланилиши керак.

Ўтиш даври вазифаларига жавоб берадиган тадбирлар сизларга тарқатилган ҳужжатларда баён этилган.

Бу ўринда мен эътиборингизни давлат буюртмасига қаратмоқчи эдим. Ҳозирги босқичда мазкур буюртманинг зарурлигини тан олар эканмиз, давлат буюртмаси бизга ўтмишдаги тажрибадан яхши маълум бўлган тайёрлашнинг тазйиқ ўтказиш методларининг яширин формасига айланиб кетмаслиги ҳақида ўйлашимиз керак. Биз харид интизоми тарафдоримиз, албатта. Аммо бу етиштирувчининг ҳам, тайёрловчининг ҳам муқаррар иқтисодий жавобгарлигига таянадиган ўзаро шартномавий мажбуриятлар интизоми бўлиши керак. Бу ўринда етиштирувчи ва тайёрлаш ташкилотининг ўзаро манфаатдорлиги негизидаги контрактация ўз ролини ўйнаши лозим.

Аммо айни вақтда ҳозироқ биз қонунда қуйидаги принципни қатъий қайд этиб қўйишимиз керак: контрактация шартномасидаги мажбуриятлар бажарилганидан кейин маҳсулот етиштирувчи маҳсулотнинг қолган қисмини ўз хоҳиши билан сотади, у бу маҳсулотни тайёрловчи ташкилотларга ёки савдо ташкилотларига, қайта ишловчи корхоналарга, матлубот кооперациясига сотиши, колхоз бозорида, умумий овқатланиш муассасасида сотиши мумкин.

Ўз-ўзидан қуйидаги савол пайдо бўлади: ўтиш даври нима учун зарур, бу вақтда қандай вазифалар ҳал этилиши керак. Ана шундай ўтиш даврининг зарурлигини экономикадаги, молиядаги, пул муомаласидаги ҳозирги аҳвол ва ички бозордаги ҳозирги вазият объектив тарзда тақозо этмоқда, бу нарх белгилашни ислоҳ қилиш зарурлиги билан ҳам боғлангандир.

Биз жамият турмушининг ана шу барча муҳим соҳаларида жуда кўп иш қилишимиз керак, аҳволни яхшилик сари ўзгартиришимиз лозим. Туб иқтисодий ислоҳотнинг ўзи ҳам худди ана шунга қаратилгандир. Нарх белгилаш ислоҳотини ўтказиш ҳам иқтисодий ислоҳотнинг таркибий қисмидир.

Ҳозирги мавжуд нарх системаси неча ўн йиллар мобайнида қарор топди, анчагина асоратлари бор ва ҳозирдаёқ объектив иқтисодий шарт-шароитларга мос эмас. Қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги ўзаро нарх муносабатлари амалда яхшиланаётгани йўқ, харид, улгуржи ва чакана нархлар ўртасидаги тафовут кўпайиб бормоқда, бу эса экономика аҳволига, колхоз ва совхозларнинг, саноат корхоналари ва умуман мамлакатнинг молиявий аҳволига салбий таъсир ўтказмоқда. Кўпгина хўжаликлар давлатнинг ёрдамисиз кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга ва айниқса, ўзларининг социал муаммоларини ҳал этишга қодир эмас. Биз сифат жиҳатидан янги, харид, улгуржи ва чакана нархларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган системасини яратиш объектив зарурат бўлиб қолганлигини кўриб турибмиз, мазкур система ниҳоятда қулай бўлган зоналарда юқори сифатли маҳсулот етиштиришни интенсивлаштиришга, рағбатлантиришга қаратилиши, тақчилликни йўқотишга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қаратилиши керак. Янги нарх механизми ишлаб чиқариш ва истеъмолда прогрессив мутаносибликлар, структуравий силжишларни юзага чиқаришнинг, пировард натижаларни кўпайтиришнинг самарали дастури бўлиши керак. Бу бизнинг принципиал йўлимиздир.

Биз шуни аниқ-равшан тасаввур этишимиз керакки, нарх-наво ислоҳотисиз, нарх белгилаш бутун системасининг ислоҳотисиз экономикани қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш, социалистик бозорни бунёд этиш мумкин эмас.

Харид нархларини жиддий тарзда такомиллаштириш зарур. Юқори сифатли маҳсулотнинг айрим турларига харид нархлари шу қадар пастки, бу нархлар ихтисослаштирилган юксак сифатли товар етиштирадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва оқилона жойлаштиришни рағбатлантирмайди.

Буларнинг ҳаммаси эътибор билан иқтисодий таҳлил этишни ва тегишли қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Сизларга тарқатилган ҳужжатларда 1990 йилнинг 1 январидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига янги харид нархларини жорий этиш кўзда тутилган. Бу нархларга ҳозирги мавжуд устама нархларни ҳам киритиш, нарх зоналари сонини кескин камайтириш, қулай шароитларга эга бўлган регионларда маҳсулот етиштиришни мумкин қадар кўпроқ рағбатлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, нарх белгилашни тағин ҳам пухтароқ қилиш назарда тутилмоқда. Нарх белгилаш фақат идоранинг иши бўлиб қолмаслиги учун марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нархлар доирасини қисқартириш керак, ва, аксинча, сўнгги вақтда кўпгина социалистик мамлакатларда қилинганидек, шартнома нархларини, айниқса, эртаги, мавсумий, тез бузиладиган маҳсулотлар — картошка, сабзавот ва мевалар шартнома нархларини жорий этиш учун кенг имконият яратиш керак.

Тажриба кўрсатаётганидек бундай ёндашув маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашни рағбатлантиради. Бу дастлабки босқичда ана шу маҳсулотларнинг чакана нархлари бир оз ортишига олиб бориши мумкин, албатта. Бу нархларнинг кўтарилишини тўхтатиш учун маҳаллий Советларга картошка, сабзавот, мева учун чакана нархларнинг энг юқори даражасини белгилаб қўйиш ҳуқуқи берилади.

Нон, ун, ёрма, гўшт, балиқ, тухум, сут, қанд-шакар, сариёғ ва ўсимлик ёғи, болалар овқати маҳсулотлари каби асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархларига келганда эса, яқин икки-уч йил ичида бу маҳсулотларнинг давлат чакана нархлари ҳозирги даражада сақлаб қолинади.

Экономикамизнинг барча секторлари янги механизмга, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принципларига ўтди. Бунда кўпинча группа худбинлиги, нархни оширишга интилиш намоён бўлади. Аграр сектор билан халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ўртасида тенг айирбошлашни сақлаб туриш учун саноат етказиб бераётган маҳсулот нархи ошириб юборилишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Шу мақсадда нархларнинг янги тенглигини ишлаб чиқиш ва уни ушлаб туриш механизмини барпо этиш лозим. Бу иш устидан ҳукумат даражасида, балки эҳтимол ҳокимиятнинг олий органи даражасида тегишли назорат ўрнатиш лозим бўлар.

Янги саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг пайдо бўлишини ва унинг сифати реал ошиши ҳисобга олиниши билан нарх-навода муайян ўзгаришлар бўлиши мумкин, албатта. Аммо бу ҳамиша мувофиқлаштирилиши ва ўзаро ҳисобга олиниши керак.

Паст рентабелли ва зарар кўрувчи колхоз ва совхозлар, қайта ишлаш корхоналарининг муаммолари, уларнинг мамлакат олдидаги масъулиятини ошириш алоҳида гаплашиб олиш ва кўриб чиқишга лойиқдир. Бу — кўпгина кишилар ва аграр секторимизнинг анча қисми тақдирига тааллуқли катта масаладир.

Ҳар бир шундай хўжаликка конкрет ёндашув зарур, деган фикрга ҳамма қўшилади. Афтидан, ореллик ўртоқлар тўплаган тажриба кўпчилик хўжаликларда қўлланса бўлади. Орелликлар қишлоқнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун, хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш учун қизғин киришдилар ва шу асосда заиф хўжаликларни кадрлар билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирдилар. Кўпчилигингиз Орел области қишлоқ хўжалигидаги вазият яхшилик сари ўзгараётганлигини, айни вақтда жадал ўзгараётганлигини кўрдингиз. Демак бу тажрибани қўллаш керак.

Биз тоғли, шимолий ўлкалардаги хўжаликлар ва бошқа ғоят ноқулай табиий шароитдаги хўжаликларнинг тақдирини ҳам махсус муҳокама қилишимизга тўғри келади. Бу борада, ҳеч бўлмаганда дастлабки босқичда давлатнинг жиддий ёрдамисиз иш олиб бориб бўлмайди.

Қолоқ хўжаликлар орасида мустақил ривожланиш истиқболидан маҳрум бўлган хўжаликлар ҳам бор. Бунда, афтидан, кескин чоралар кўришга тўғри келар. Айрим ҳолларда эса ана шу хўжаликларнинг ерларини бақувват колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарга, коллектив ва оилавий ижарачиларга топшириш, реал мавжуд имкониятлардан ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўйлайманки, яқин бир-икки йил ичидаёқ жамият манфаатларини кўзлаб ҳамда ана шу колхоз ва совхозларда ишлаётган кишиларнинг манфаатларини кўзда тутиб, бу муаммоларни ҳал этиш учун ана шу иш билан албатта шуғулланиш керак.

Аграр секторнинг молия-кредит таъминоти такомиллашмаганлиги ҳам равшандир. Молия-кредит таъминоти воқеалардан орқада қолмоқда, илгаригидек ҳаддан ташқари олдиндан белгилаб қўйилмоқда, омилкорлик ва асосли дадилликни суст рағбатлантирмоқда.

Банклар, айниқса агросаноат банки фаолиятини тубдан қайта қуриш лозим. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан реал манфаатдор бўлиб, амалий шериклар сифатида иш юритишни таъминлаши керак. Корхоналар ва хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятини яхшилаш учун улар ходимларининг шахсий жамғармаларини фаол жалб этиш мақсадида кооператив банклар ва акционерлик жамиятлари системасини ривожлантириш зарур.

Бюджет билан маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамма нарса кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Маълумки, озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқлари, ҳатто қанд-шакар саноати ғоят оғир молиявий аҳволда бўлиб, социал инфраструктурани реконструкциялаш ва нормал ривожлантириш учун маблағга эга эмас. Ана шу тармоқларда фойдадан олинадиган ажратмалар уларнинг нормал ривожланиши учун имкон бермайди. Бундай вазиятни ҳар томонлама таҳлил этишлари керак.

Биз корхоналарнинг давлат бюджети билан ўзаро молиявий муносабатлари механизми созланган ҳолда келгуси беш йилликка қадам қўйишимиз керак. Шу муносабат билан даромад солиғи ва рентадан келадиган даромад тўловлари асосида бюджетга ажратмаларнинг илмий асосланган нормативларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозим. Маҳаллий Советлар бюджетига маблағлар тушуми тартибини белгилаш принципиал аҳамиятга эга.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида бюджет инвестицияси ўрнини белгилаш муҳимдир. Бюджет инвестицияси барча мамлакатларда қўлланилади ва айниқса ғоят қийин шароитда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлигини сақлаб туриш имконини беради, уларга янги техникани харид қилишда, янги технологияларни ўзлаштиришда, социал муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади. Бюджет маблағлари фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг катта пограммаларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи манбаи ҳамдир.

Колхозлар, совхозлар ва агросаноат комплексининг бошқа корхоналарига ссуда бериш соҳасида кўп йиллардан бери ташкил топган жуда катта миқдордаги қарздорлик тўғрисидаги масалани сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Бундай қарздорлик юкини хўжаликларнинг ўзига бутунлай юклаб қўйиш адолатсизлик бўлур эди, чунки бундай қарздорлик хўжалик фаолиятидаги камчиликларнигина эмас, шу билан бирга нотенг айирбошлашнинг ҳам оқибатидир.

Бу масалани Пленум арафасида ҳукумат ҳам, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ҳам пухта муҳокама қилди. Реал вазият шундан иборатки, мамлакатнинг катта камомад билан ифодаланувчи ҳозирги давлат бюджети вужудга келган қарздорликни тугатишда имкониятларимизни чеклаб қўймоқда. Шунга қарамай, бу муаммони айни вақтда асоссиз ёндашмай, балки ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий аҳволини ҳисобга олиб ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўртоқлар! Биз аграр муносабатларни қайта қуриш агросаноат комплексини бошқариш системасини тубдан ўзгартиришни, ошкора гапирадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ва умуман экономиканинг аграр секторига раҳбарликнинг мавжуд маъмурий (идоравий ва территориал) системасини тугатишни тақозо этишини яхши биламиз.

Ҳозир бошқарув нуқтаи назаридан қараганда қишлоқ хўжалик корхоналари гўё икки томонлама қарам бўлиб қолмоқдалар. Бир томондан улар идоравий йўл билан ўзларининг юқори органларига бўйсунадилар. Аммо уларни район бўғинидан бошлаб маҳаллий партия ва совет органлари кам эмас, ҳатто кўпроқ даражада бошқариб туради.

Бундай система илгаридан, коллективлаштириш давридан бошлаб таркиб топган. Маҳаллий органлар қишлоқ хўжалик корхоналарининг бутун фаолиятини қаттиққўллик билан контрол қилиб турганлар. Амалда район маъмурлари ишлаб чиқариш ҳажми ва структурасига оид топшириқларни, ишларни бажариш муддатларини белгилаб, барча хўжалик ишларига аралашиб турардилар. Айни пайтда улар қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари учун мутлақо иқтисодий жавобгар эмас эдилар.

Қайта қуриш барча даражалардаги аграр секторни бошқариш системасини тубдан ўзгартиришни тақозо этади.

Умуман агросаноат комплексини бошқаришнинг ҳозирги системаси иқтисодий ислоҳотимизнинг умумий принципларига асосланиши лозим.

Бунда гап экономиканинг асосий бўғинлари — хўжаликлар ва корхоналарнинг ҳақиқатдан ҳам устунлигини таъминлаш тўғрисида, раҳбарликнинг иқтисодий методларига қатъиян ўтиш, улгуржи савдо принципларини аста-секин жорий этиш, товар — пул муносабатлари воситаларини эгаллаш тўғрисида бормоқда. Янги система сиёсий ислоҳотларимизнинг талабларига тўла даражада мос келиши керак. Мен бунда энг аввало Советларнинг территориядаги тўла ҳокимиятига ўтишни, меҳнат коллективларининг ролини кескин оширишни, барча даражаларда бошқарувни чинакам демократиялашни назарда тутаяпман.

Пленумга тайёрланган таклифларда ҳамма жойда район агросаноат бирлашмалари (РАПО)ни тарқатиб юбориш тўғрисида гап боради. Бунда мен қаерда район агросаноат бирлашмалари қолган бўлса, ўша ерда улар тарқатилишини назарда тутаяпман.

Айни вақтда биз шу нарсага амал қиламизки, ҳеч ким колхоз ва совхозларнинг, айниқса деҳқонларнинг ва шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг оператив — хўжалик фаолиятига аралашмаслиги керак.

Шу нарса ҳам назарда тутиладики, хўжаликлар қатъиян ихтиёрий, коммерция асосида, ўзаро манфаатдорлик принципида ремонт-техникавий, қурилиш вазифаларини ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини бажариш, маҳсулотни ташиш ва сотиш, қўшма корхоналар ёки социал объектлар қуриш учун тегишли хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар тузишлари мумкин.

Районда хўжаликлар ва корхоналар вакилларининг йиғилишлари демократик асосда ўзаро манфаатли бўлган у ёки бу масалаларни ҳал этишда амалий ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун кенгаш тузишлари мумкин. Кенгаш ва унинг аппаратига маъмурий — идора қилиш вазифаларини бажариш ҳуқуқи берилмайди.

Ўйлаймизки, бу принципиал аҳамиятга эгадир, чунки пировард натижада барча таклифларимиз маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг тўла мустақиллигига бориб таянади. Меҳнат коллективининг ўзи ишлаб чиқариш структураси ва характерини белгилайди, барча амалий масалаларни ҳал этади ва ўзининг хўжалик натижалари учун тўла жавобгар бўлади.

Аслида агросаноат комплексини бошқаришнинг янги формаларини қарор топтириш жараёни бормоқда, айни вақтда ишга ёндошувлардаги ғоят хилма-хиллик яққол кўриниб турибди. Буни фақат табриклаш керак.

Деярли икки мингта районда РАПОнинг маъмурий аппарати ўрнига демократик йўл билан, меҳнат коллективларининг хоҳишига кўра сайлаб қўйиладиган органлар ташкил этилди.

Биз агрокомбинатлар, агрофирмалар ва бирлашмаларнинг иш тажрибасига эътибор билан муносабатда бўлишимиз лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатда 300 дан ортиқ шундай агрокомбинат, агрофирма ва бирлашмалар ишлаб турибди. Улар орасида 110 та кооператив агросаноат бирлашмаси бор.

Ўйлаймизки, бошқарув формаларини танлашда ҳар қандай тазйиқ ўтказишга барҳам бериш керак. Бошқарув формалари хилма-хил бўлса-да, мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқариш, хўжалик фаолиятига раҳбарликнинг иқтисодий методлари, кооператив ҳаракатнинг ривожлантирилиши, ишлаб чиқаришда, маҳсулотни қайта ишлаш ва реализация қилишда интеграция алоқаларини йўлга қўйиш ҳамма учун умумий бўлиши зарур.

Ҳужжатларда баён этилган бошқарувнинг область, ўлка ва республика бўғинларига тааллуқли таклифлар ҳам қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш натижасида келиб чиқадиган вазифаларга асосан мувофиқдир.

Хусусан, бундай ҳолатда биз ҳозирнинг ўзида реал мавжуд бўлган тажрибага таянамиз. Мен бунда агросаноат комплексини бошқаришнинг янги формалари область даражасида ҳам ўзига йўл очаётганлигини назарда тутяпман. Агросаноат комплексини бошқаришнинг идора қилувчи функцияларига эга бўлган органлари ўрнига қуйидан билдирилган ташаббусга кўра хўжалик ташкилотлари тузилмоқда.

Уларнинг функциялари ҳам тубдан ўзгармоқда. Бундай ташкилотлар фаолиятининг моҳияти район доирасидан ташқаридаги ташкилотларга бориб тақаладиган ва янада юксак даражада мувофиқлаштиришни талаб этадиган масалаларни ҳал этишда реал ёрдам беришдан иборат.

Шу муносабат билан биз сиёсий ислоҳотнинг навбатдаги босқичида бир томондан, Советлар ва уларнинг ижроия органларининг ҳамда иккинчи томондан, район, область ва ўлка даражасидаги янги аграр ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини қай тариқа янгича йўлга қўйишимиз кераклиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилиши бутунлай табиийдир. Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун тайёрланаётган ҳозирги пайтда мана шу масалаларнинг бутун комплекси Советларнинг мавқеи ўзгаришини, шунингдек умуман қишлоқдаги иқтисодий вазият тубдан ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйлаб кўрилиши керак. Бинобарин, ўзаро муносабатларнинг янги механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Иттифоқдош республикалар даражасида агросаноат комплексини бошқариш ҳақидаги масалани иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқлари, ўзини-ўзи бошқаришини ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашини кенгайтириш асосида экономикага ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари тўғрисида тайёрланган ва эълон қилинган ҳужжат лойиҳаси негизида кўриб чиқиш зарур.

Аслида, гап агросаноат комплексининг барча муаммоларини ҳал этишда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг ўз регионлари аҳолиси озиқ-овқат билан таъминланиши учун масъулиятини кучайтириш тўғрисида бормоқда. Бироқ бундай ҳолда ҳам тегишли органлар қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш моҳиятини ҳисобга олишлари даркор. Бу эса республика даражасида ҳам агросаноат комплекси билан боғлиқ бошқарув органлари колхоз ва совхозларнинг ҳамда агросаноат комплекси бошқа корхоналарининг хўжалик фаолиятига аралаша олмаслигини билдиради. Республикаларнинг агросаноат комитетлари ўз вазифаларини иқтисодий ёндашувлар ва жараёнларни бошқаришнинг иқтисодий методларидан фойдаланиш асосида ҳал этишлари лозим.

Иттифоқ даражасида бошқарувга келганда, бу масала ҳам ғоят диққат билан кўриб чиқилди. Натижада СССР Давлат Агросаноат комитетини тарқатиб юбориш ва ҳукуматнинг доимий ҳаракатдаги органи сифатида СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат ва харид ишлари бўйича Давлат Комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифлар юзага келди.

Бу тадбир халқ хўжалигининг туб масалаларини, жумладан агросаноат комплексини ривожлантириш ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш учун жавобгарлик масаласини ҳал этишда ҳукуматнинг ролини оширишга қаратилган йўлимизга мосдир.

Ўртоқлар! Қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуриш бизни кейинги йилларда жиддий ташвишлантираётган, аммо биз бу соҳада аслида силжишга эриша олмаган вазифани амалда ҳал этишга киришишнинг реал имкониятини очиб беради. Мен аграр секторда вужудга келтирилган потенциалдан самарали фойдаланишни назарда тутяпман.

Аслида ҳам, 1961—1988 йиллар давомида қишлоқ хўжалигига 884 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди. Бугунги кунда агросаноат комплекси ихтиёрида жуда катта ишлаб чиқариш фондлари: қишлоқ хўжалигида салкам 360 миллиард сўм ва қайта ишлаш саноатида 68 миллиард сўм маблағ бор. Кейинги ўн йил ичида қишлоқнинг энергия билан таъминланиши, техника, ўғит етказиб бериш тахминан бир ярим баравар кўпайди.

Мен аввал айтганимдек, биз ана шу жуда катта потенциалдан зарур самара олмаяпмиз. Натижада маҳсулот қимматлашмоқда, фонд самарадорлиги ва рентабеллиги эса паст даражада.

Маблағ сарфлаш экономикаси ўзининг жамият учун барча салбий, хонавайрон қилувчи оқибатлари билан яққол кўзга ташланмоқда. Шунга аминманки, хўжалик юритишнинг янги иқтисодий формаларига ўтиш соҳасида кенг кўламли ишларни авж олдириб, мавжуд моддий-техникавий база билан яқин вақт ичидаёқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, умуман агросаноат комплексида катта натижаларга эришиш мумкин.

Биз барча таҳлиллар асосида ўзимиз учун айни шундай хулоса чиқаришимиз керак. Биз айнан шундан бугунги кундаёқ амалий ишда фойдаланишимиз лозим.

Лекин бошқа томондан, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш — шуни ишонч билан айтиш мумкинки — янги техникани, илғор технологияларни қўлланишни талаб қилади.

Хўжалик юритишнинг янги формалари экономиканинг қишлоқ хўжалигига техника ва бошқа ресурслар етказиб берадиган тармоқларига тазйиқ ўтказишни кучайтиради деб олдиндан қатъий айтиш мумкин.

Ана шу тармоқларнинг шошилинч ҳал этиш керак бўлган энг биринчи вазифаси — яқин йиллар ичида қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни тугаллаш, деҳқонлар меҳнатини янада унумдор, янада ижодий ва жозибали қилиш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик учун машиналар системасини яратишдан иборат.

Сабзавотчилик, лавлагикорлик, пахтачилик, зиғирчилик сингари тармоқларда ишларни механизациялаш муаммолари айниқса ўткир бўлиб турибди. Чорвачилик фермаларида, энг аввало қўл меҳнати 80 процентдан кўпроқни ташкил этадиган кичик фермаларда жараёнларни механизациялаш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи яхши эмас. Озуқа ишлаб чиқариш, томорқа хўжалиги, тоғли шароитда, мамлакатда умумий майдони 30 миллион гектардан ошадиган кичик далалардаги ишлар учун мўлжалланган техника кам.

Кўп йиллар биз қайта ишлаш саноатининг моддий-техника базаси заифлигини таъкидлабгина келдик ва шу хусусда қарорлар қабул қилдик, аммо яхшилик сари муҳим ўзгаришлар бўлмади. Мамлакатнинг деярли барча регионларида маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар тармоғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳатто ҳозирги кўламларига мос келмайди, биз эса уни оширишни мўлжаллаяпмиз.

Бунда гап ана шу тармоқнинг ривожланмаганлигида эмас, балки корхоналарнинг техникавий даражаси паст эканлигида, маҳсулотни ҳар томонлама қайта ишлаш, уни қадоқлаш ва ўраш учун илғор технологик ускуналарнинг етишмаслигида ҳамдир, ўртоқлар.

Ҳозир биз, ниҳоят, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини модернизациялашнинг реал программасини ишлаб чиқдик, деб ўйлайман. Ана шу мақсадлар учун 77 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Мазкур программани рўёбга чиқаришга граждан машинасозлигигина эмас, шу билан бирга мудофаа саноатининг тармоқлари ҳам жалб этилди, социалистик ва капиталистик мамлакатлар билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Иш жойидан силжиди. Унинг кўламлари кенгайиб бормоқда ва ҳозир бу вазифаларни яқин вақтлар ичидаёқ пухта ҳал этиш мумкинлигига ишонамиз. Аммо бу борада буюртмачилар, лойиҳачилар ва машинасозлар келишиб олган ҳолда кўп куч-ғайрат сарфлашлари зарур бўлади. Ҳозирча иш шундай аҳволдаки, 1986—1988 йиллар давомида ҳатто чет эллардан харид қилинган комплект ускуналардан фойдаланиб, қурилаётган корхоналарда капитал маблағларнинг атиги 78 проценти ўзлаштирилди.

Красноярск, Новокузнецк, Новосибирск, Свердловск, Ярославль сингари йирик саноат марказларида озиқ-овқат таъминоти муаммоси қанчалик ўткир бўлиб турганлиги маълум. Бироқ ана шу жойларда ҳам маҳсулотни қайта ишловчи саноат объектларини қуришга муносабат яхши эмас. Маҳаллий Советлар нима қиляпти? Партия ташкилотлари ва коммунист раҳбарлар-чи!

Йўқ, ўртоқлар, ишга бундай муносабат билан биз узоққа бора олмаймиз. Биз деҳқончилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам, маҳсулотни қайта ишлаш саноати учун ҳам, ижарачилар ва кооператорлар учун ҳам, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва мамлакатнинг турли зоналаридаги шароитлар учун ҳам машиналар, айниқса, хилма-хил машиналар ишлаб чиқаришни янада авж олдириш вазифасини ўртага қўяр эканмиз, техника, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш бошқа воситаларининг сифати ва пишиқ-пухталиги тўғрисидаги масалани ҳам ғоят кескин қилиб кўндаланг қўйишимиз зарур.

(Охири 4-бетда).

